



## ТИБИЁТДА ҚҮЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ГРАММИДИН® ДЕТСКИЙ

**Препаратнинг савдо номи:** Граммидин® детский

**Таъсир этувчи моддалар (ХПН):** Грамицидин С + Цетилпиридин хлориди

**Дори шакли:** маҳаллий қўллаш учун дозаланган спрей

**Таркиби:**

Препаратнинг бир дозаси қўйидагиларни сақлайди:

*фаол моддалар:* грамицидин С дигидрохлориди - 0,0319 мг (грамицидин С га қайта ҳисоблаганда - 0,03 мг), цетилпиридин хлориди - 0,10 мг.

*ёрдамчи моддалар:*

Этанол 96 % - 9,50 мг.

Сукралоза - 0,20 мг.

Глицерол - 33,20 мг.

Малина ароматизатори - 0,40 мг.

Лимон кислотаси моногидрати - 0,058 мг.

Натрий цитрати - 0,022 мг.

Полисорбат 80 - 0,40 мг.

Метилпарагидроксибензоат (метилпарабен) - 0,184 мг.

Пропилпарагидроксибензоат (пропилпарабен) - 0,02 мг.

Тозаланган сув - 0,20 мл гача.

**Таърифи:** тиник ёки товланувчан, рангиз ёки сарғиш тусли малинага хос ҳидли эритма.

**Фармақотерапевтик гурӯҳи:** Антибиотик+антисептик восита.

**АТХ коди:** R02AA20

### Фармақологик хусусиятлари

#### Фармакодинамикаси

Томоқ ва оғиз бўшлигининг инфекцион-яллигланиш касалликларини симптоматик даволаш учун қўлланадиган мажмуавий препарат.

Препаратнинг таркибига микробларга қарши восита грамицидин С ва антисептик восита – цетилпиридин хлориди киради. Грамицидин С нинг таъсир механизми микроб хужайраси цитоплазматик мембронасининг ўтказувчанлигини ошиши билан боғлик бўлиб, бу унинг чидамлилигини бузади ва ўлимини чақиради. Грамицидин С нинг граммусбат ва грамманфий микроорганизмларнинг кенг доирасига нисбатан антибактериал (бактерицид) таъсир кўрсатади. Цетилпиридин хлориди антисептик воситаларга мансуб бўлиб, оғиз бўшлиғи ва томоқ инфекцион касалликлари қўзғатувчиларининг ўсиши ва кўпайишини бостиради. Препарат микробларга қарши таъсир кўрсатади, яллигланишни камайтиради, томоқда ноҳуш хисларни енгиллаштиради, ютишни енгиллаштиради.

#### Фармакокинетикаси

Препарат маҳаллий таъсирга эга. Клиникагача бўлган фармакокинетик тадқиқотларнинг маълумотлари бўйича деярли сўрилмайди.

#### Қўлланилиши

Оғиз бўшлиғи ва томоқнинг инфекцион-яллигланиш касалликлари: фарингит, тонзилит, пародонтит, гингивит, стоматитни симптоматик даволашда қўлланади.

## **Құллаш усули ва дозалари**

Оғиз бүшлигининг шиллиқ қавати ва томоқта пуркаш йўли билан маҳаллий қўлланади. Овқатдан кейин қўлланилади.

*Спрейни биринчи марта ишлатишдан олдин баллонни силкитинг ва босиши қурилмасини икки марта босинг.*

6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар учун дозалаш: бир қўллашга 4 пуркашдан кунига 3 марта 7 кун давомида.

3 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар учун дозалаш: бир қўллашга 2 пуркашдан кунига 3 марта 7 кун давомида.

Препаратни бевосита қўллагандан кейин овқат ва ичимликларни 1 соат давомида қабул қилишдан сақланиш лозим.

Агар даволанишдан кейин яхшиланиш кузатилмаса ёки симптомлар чуқурлашса, ёки янги симптомлар пайдо бўлса, шифокор билан маслаҳатлашиш зарур.

Препаратни фақат йўриқномада кўрсатилган кўрсатмаларга, қўллаш усули ва дозаларига мувофиқ қўлланг.

## **Ножӯя таъсиrlари**

Препаратнинг компонентларига аллергик реакциялар бўлиши мумкин.

Агар Сизда йўриқномада кўрсатилган ножӯя самаралар кузатилса, ёки улар чуқурлашса, ёки Сиз йўриқномада кўрсатилмаган бошқа ҳар қандай ножӯя самараларни сезсангиз, бу хақида шифокорга хабар беринг.

## **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

- грамицидин С га, цетилпиридин хлоридга ва препаратнинг бошқа компонентларига юқори сезувчанлик;
- лактация даври;
- З ёшгача бўлган болаларда қўллаш мумкин эмас.

## **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Хозирги вақтгача бошқа дори воситалари билан клиник аҳамиятли бўлган ўзаро таъсири ҳақидаги ҳолатлар кўрсатилмаган.

## **Махсус кўрсатмалар**

Препаратни оғиз бўшлиғида очиқ жароҳатлар мавжуд бўлса қўллаш мумкин эмас, чунки цетилперидин хлориди жароҳатларни битишини секинлаштиради.

Препарат этанол сақлайди. Препаратнинг бир марталик максимал дозасида 0,04 г гача этанол сақланади.

Ҳомиладорликда эҳтиёткорлик билан қўлланилади (“Ҳомиладорликда ва эмизиш даврида қўлланилиши” га каранг).

## **Ҳомиладорликда ва эмизии даврида қўлланилиши**

Препаратни агар она учун потенциал фойда, ҳомила учун бўлиши мумкин бўлган хавфдан устун бўлсагина қўллаш мумкин. Препаратни қўллашдан олдин, агар Сиз ҳомиладор бўлсангиз ёки Сиз ҳомиладор бўлишим мумкин деб гумон қилсангиз, ёки ҳомиладорликни режалаштираётган бўлсангиз препаратни қўллашдан аввал шифокор билан маслаҳатлашиш зарур.

Препарат компонентларини кўкрак сутига кириши тўғрисида маълумотлар йўқ. Лактация даврида препаратни қўллаш зарурати бўлганида эмизишни тўхтатиш лозим.

## **Транспорт воситаларини, механизmlарни бошқариши қобилиятiga таъсири**

Препарат махсус диққатни ва тезкор реакцияларни талаб этувчи потенциал хавфли фаолият турларини (автомобилни ва бошқа транспорт воситаларини бошқариш, харакатланувчи механизmlар билан ишлаш, диспетчер ва оператор иши ва бошқалар) бажаришга таъсир қилмайди.

## **Дозани ошириб юборилиши**

**Симптомлари:** препаратни тавсия этилганидан юқори дозаларда қабул қилиш, меъда-ичак йўллари томонидан бактериал микрофлорани ўзгариши оқибатида бузилишларни: кўнгил айниши, қусиш, диареяни чақириши мумкин.

**Даволаи:** препаратни қабул қилишни тўхтатиш ва шифокорга мурожаат қилиш лозим.

## **Чиқарилиш шакли**

Маҳаллий қўллаш учун дозаланган спрей 0,03 мг + 0,1 мг/доза.

112 дозадан дозаловчи қурилма ва тахланадиган канюолали босиш қурилмаси билан жиҳозланган алюмин флаконда.

1 флакондан тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутида.

## **Сақлаш шароитлари**

Оригинал ўрамида, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

## **Яроқлилик муддати**

2 йил.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

## **Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

## **Ишлаб чиқарувчи корхона**

Делфарм Владель Б.В.

Индустриевег 1, Владель, 5531AD, Нидерландия.

## **Қадоқловчি корхона**

«Валента Фарм» АЖ

141108, Россия, Москва вилояти, Щелково ш., Фабричная кўч., 2 уй

Телефон: +7 (495) 933-48-62, факс +7 (495) 933-48-63.

**Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситалари сифати бўйича эътиrozлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ва уларни ракамли идентификацияси учун жавобгар ташкилотнинг номланиши ва манзили**

Ўзбекистон Республикасида "Валента Фарм" АЖ Ваколатхонаси

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб кўч., 4 Б, 309-офис.

Тел.: (+99893) 180 19 15